Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 39—40 (2576—2577)
1993 ЙИЛ 21 МАЙ ЖУМА
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

## БУГУНГИ СОНДА:

*2-БЕТ.*
**ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР.**
*3-БЕТ.*
**МИННАТДОРЧИЛИК МИННАТДАН ЭМАС.**

*4—5-БЕТЛАР.*
**ОЙНАИ ЖАҲОН КЎРСАТУВЛАРИ.**
*5-БЕТ.*
**ЮЛДУЗНИ БОЛАМ ДЕБ БЎЛМАСА...**

*6—7-БЕТЛАР.*
**«ТАРТИБОТ» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ.**

## Халқ билан ҳамкорликда

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида ва минтақадаги ИИБларида шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" ва "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" рисолалари, унинг Сурхондарё ва Жиззах фаоллари билан учрашувлардаги нутқлари ҳамда куни кеча республика Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясидаги чиқишларида айтилган фикрлар кенг муҳокама қилинмоқда.

Навбатдаги учрашув Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари билан ўтказилди. Учрашувда милиция мавзусида кўплаб асарлар ёзган олим, педагогика фанлари доктори, профессор, заҳирадаги милиция полковниги, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ҳомийлигида чоп этилган "Милиция комиссари" китобининг муаллифи Абдулла Исмоиловни таклиф этилгани жуда ўринли бўлди. Адиб милициянинг бугунги мавқеи, вазифалари ҳақидаги маърузани тўлдириб, ўз асари қаҳрамонлари талқинида ҳаётини халқига, унинг осойишталигига бағишлаган, ҳалол, пок милиция ходими ҳеч хор-зор бўлмаслигини, у доимо одамлар олқишида, эъзозда бўлишлигини ёрқин мисоллар билан изоҳлаб берди. Ўзбекистон Президентининг халқ фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларига содиқлик билан ҳамкор бўлишга даъват этди. Унинг таъбирича, жиноятчиликни енгиш мумкин, фақат жамиятнинг ҳамма аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, мақсадли курашиш керак. Ҳозирги ҳаракатлар ана шундан далолат бермоқда, деди у.

Учрашувни олиб борган бўлим бошлиғи, милиция полковниги Абдуқодир Юсупов шаҳарда жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи ва куни-кеча ўтган сессия қарорлари асосида жамоа олдида турган вазифаларга тўхталиб, хонадонларда ўғирликлар кўпайиб кетганлигини, уларни очиш ҳам мушкуллашиб бораётганлигини таъкидлаб, шаҳар аҳолисига мурожаат билан чиқишни, уларни ҳамкорликка чақиришни таклиф қилди. Ушбу мурожаатнома бир овоздан қабул қилинди. Уни тарғиб қилиш учун ҳамма меҳнат жамоаларида, аҳоли яшаш жойларида милиция ходимларининг учрашувларини, суҳбатларини, савол-жавоб кечаларини ўтказишга келишиб олинди.

**М. МИРСОВУРОВ,**
**Тошкент вилояти ИИБнинг шахсий таркибни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.**

ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмасида шахсий таркибнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда И.Каримовнинг рисолалари, Олий Кенгашнинг ўн иккинчи чақириқ ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқи муҳокама қилиниб, улар асосида бирлашманинг навбатдаги ишлари белгилаб олинди.

Йиғилишда сўзга чиққан бирлашма бошлиғи, милиция полковниги Ҳ.Убайдуллаев қўриқлаш бўлинмалари олдида турган биринчи навбатдаги масалалар хусусида гапириб ўтди.

Шунингдек йиғилишда нутқ сўзлаган ички ишлар идоралари фахрийси, Тошкент юридик институтининг жиноий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси В.Токмаков Ўзбекистон Республикасининг бугунги кунда олиб бораётган ички ва ташқи сиёсати, ҳуқуқ масалалари хусусида тўхталиб ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

"СЎНГГИ пушаймон ўзингга душман". Бу ибратли мақолни сиз билан биз тўқиб чиқарганимиз йўқ. Уни боболаримизнинг боболари айтиб кетганлар. Уқтириб, огоҳлантириб ўтганлар.

Суратнинг бир бурчида бош чангаллаб ўтирган йигитга эътибор беринг. У юқорида айтиб ўтганимиз мақолнинг маъносига жуда-жуда тушуниб етган. Энди эса бошни чангаллаб ёинки сочни юлиб ўтиришдан фойда йўқлигини ҳам билади. Йигитнинг бундан кейинги тақдири қонун бўйича ҳал қилинади. Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлари У. Ибрагимов ва Т. Абдусатторовлар кўздан кечираётган далилий ашё — қуроли ва тарозиси шу йигитдан олинган.

Ҳа, сўнгги пушаймон фойдасиз. Ана шу "сўнгги"гача етиб келмаслик учун эса йигитни бу йўлдан қайтаргувчи, насиҳат, маслаҳат бергувчи бир инсон топилмаган...

**Сурат муаллифи А. ХАЛИЛОВ.**



## Чин дилдан миннатдормиз!

«Муҳтарам Зокир Алматович ва Насриддин Аҳатович!

Мен Чиноз тумани ИИБда турли лавозимларда муқим ишлаб келган марҳум милиция капитани Худойберган Ғайбуллаевнинг рафиқасиман.

Турмуш ўртоғим Х. Ғайбуллаев жиноятчилар билан курашда 1990 йилда ҳалок бўлди, мен бешта фарзандим билан бева қолдим. Лекин Чиноз тумани ИИБ шахсий таркиби менинг ҳол-аҳволимдан доим хабар олиб, ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиб турди, энг катта қизимни турмушга беришимда яқиндан ёрдам берди.

Халқимизнинг миллий байрами — "Наврўз" арафасида эса аризамни эътиборга олиб, милиция ходимлари учун қурилган уйдан икки хона уй ажратиб, ушбу йилнинг 16 март куни калити билан ордерини ўғлимга топширишди.

Чиноз тумани ИИБ ходимлари ҳудудимизда жиноятчиликка аёвсиз кураш олиб бориш билан бирга ўзларининг ҳақиқий инсонпарвар кишилар эканликларини ҳам кўрсатмоқдалар. Турмуш ўртоғим вафот этганига икки йил бўлса ҳам, эсларидан чиқармасдан, ўзларининг сафларида деб ҳисобламоқдалар.

Мен туман ИИБ ходимларига сиҳат-саломатлик, узоқ умр, машаққатли ишларида муваффақият, оила аъзоларига бош бўлиб юришларини тилайман.

**М. ҒАЙБУЛЛАЕВА».**

**Таҳририятдан: Президент номига, республика ИИВ ва газетамиз таҳририятига ана шундай мазмундаги миннатдорчилик хатлари жуда кўп келмоқда. Газетамизнинг 3-саҳифасида уларнинг мазмуни билан батафсил танишишингиз мумкин.**

## ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

### ҚАРОҚЧИЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, "Замондош" кўчасидаги хонадонларнинг бирида истиқомат қилувчи М.Ю.нинг хонадонига кечга томон юзига ниқоб кийган уч нафар шахс бостириб кирди. Уй бекасини пичоқ билан қўрқитиб, олти хил сариқ металлдан ясалган тақинчоқларини, 25000 сўм пулини тортиб олишди. Сўнгра унинг "ВАЗ-21063" белгили автомашинасига ўтириб, жўнаб қолишди. Кўрилган чоралар натижасида автомашина 1 Май кўчасидан топилди.

### МИЛТИҚ БИЛАН ТАҲДИД

Зангиота туманидаги Ғулом Азизов кўчасида ҳам босқинчилик содир этилди. Уч нафар милтиқли қароқчи уй бекаси А.га таҳдид солиб, уйидаги "Ока" видеомагнитофонини ҳамда тўрт хил тилла буюмларини халталарига солиб олиб кетишди. Қидирув олиб борилмоқда.

### ҲЕ ЙЎҚ, БЕ ЙЎҚ...

Урганч шаҳридаги "Хоразм" меҳмонхонаси ёнидан ўтиб бораётган 25 ёшли Ш. исмли фуқарога қўққисдан номаълум шахс ҳужум қилиб, кўксига пичоқ санчди ва қочиб кетди. Ички ишлар бўлими ходимлари қотилни аниқладилар, орадан кўп фурсатни ўтказмай, уни ушладилар ҳам. Унинг ёши 22да, 1Май кўчасида яшайди.

Жабрланувчи касалхонада вафот этди...

### СОДДАМИ, Ё "ИШБИЛАРМОН"?..

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги Водник даҳасида истиқомат қилувчи Н.П. соддалик қилиб, бутунлай нотаниш кишиларни уйига киритди. Нотаниш танишлар уй бекасига пичоқ ўқталиб, қўрқитишди. Қўл-оёғига чилвир тортишди, кейин унинг уйидан 201 АҚШ доллари, 2 минг сўм нақд пулини ва яна олтита турли хил буюмларини олиб чиқиб кетишди.

Милиция ходимлари босқинчилардан бирини ушлади. У муқаддам судланган, Сирдарё туманидаги Шоир номли давлат хўжалигида яшайди. Эндигина 19 га кирган.

### КУЁВНИНГ КАРОМАТИ

Пахтачи туманидаги "Пахтакор" жамоа хўжалигида яшовчи муқаддам судланган, айни пайтда ҳеч қаерда ишламайдиган 37 ёшли Ш.Н. исмли шахс ўз уйида ўзаро жанжал туфайли рафиқасининг акасига ўқ узиб яралади. Милтиқ ички ишлар бўлимида рўйхатдан ўтказилмаган. Қайноға оғир тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

### ОЛОВГА АЙЛАНГАН АЁЛ

Шаҳрисабз туманидаги Биковский номли мактабнинг фарроши уйида ўзига ўт қўйиб юборди ва турли кўринишдаги тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилди. Суиқасд сабаблари ўрганилмоқда.

### САХИЙ ҚАРИНДОШ

Ғузор тумани ИИБ ходимлари ўтказган навбатдаги тадбир пайтида К.Маркс номли жамоа хўжалигида яшовчи Р. исмли фуқаронинг хонадонидан "ГАЗ-24" белгили, давлат рақами бўлмаган, "Олтой" радиотелефони ўрнатилган автомашина топилди.

Автомобилнинг юкхонасидан 10-66 ДДБ ва Л 07-64 ДБ рақамлари чиқди. Уй эгасининг гапига қараганда, бу машинани унинг уйига ўтган йилнинг сентябрь ойида душанбелик қариндоши қўйиб кетган экан.

### ТОНГ САҲАРДА

Чилонзор тумани, 19-мавзе, 23-уйнинг хонадонларидан бирига эрта тонгда "ташриф" буюрган босқинчилар хонадон соҳибасининг беш хил тилла буюмларини, 24 минг сўм пули ва 450 АҚШ долларини олиб кетишган. Қидирув чоралари кўрилди.

### ҚАЕРДАН?!

Нукус шаҳридаги Эски шаҳар шифохонасининг... ҳожатхонасидан янги туғилган чақалоқнинг жасади топилди. Уни туғиб, ташлаб кетган шарманда қидирилмоқда.

**Т. МУРОДОВ.**

# ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР

## Тошкентдаги Юнусобод тумани ИИБ махсус комендатурасининг иш кунлари



**Халқ судларининг ҳукмларида бу кишилар меҳнатга мажбуран жалб этилган ҳолда шартли ҳукм қилинганлар деб кўрсатилади. Улар жазони махсус комендатураларда ўтайдилар. Қуйида Тошкентдаги Юнусобод тумани ИИБ махсус комендатураси ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.**

**— 1990 йилгача комендатурамиз ихтиёрига шартли озод қилинганлар келарди, — деб ҳикоя қилади унинг бошлиғи милиция майори Баҳодир Кўчқорович Исҳоқов. — Энди эса учинчи йилдирки ҳар икки отрядимиз шартли жазони ўтаётган фуқаролардан ташкил топмоқда.**



### АСОСАН ЎҒИРЛИКЛАР

Махсус комендатура 150-200 кишига мўлжалланган. Бу ердаги кишиларнинг 70 фоизи ўғирлик қилгани учун жазони ўтамоқда. Мисол учун, "Ташсельмаш" корхонасида ит асровчи бўлиб ишлаган Тўхтабой А.ни олайлик. Тошкентнинг ана шу машҳур корхонасида шундай лавозим ҳам бор экан.Ит асровчи корхонани қўриқлаш учун инсоннинг тўрт оёқли дўстларини тарбиялайди.

— Куёвим қўчқор олиб келиб, сотиб беришимни сўради, — дейди Тўхтабой. — Мен ўғирланган қўчқорни сотиб берибман.

Судда корхона ит асровчисининг айбдорлик даражаси белгиланди: у меҳнатга мажбуран жалб этилган ҳолда уч йилга шартли равишда хукм қилинди.

Кишилар, юқорида таъкидланганидек, асосан шахсий ва давлат мол-мулкини ўғирлаганликлари учун махсус комендатурага юбориладилар. Ички ишлар идораларининг ходимлари уларнинг хулқ-атворини назорат қилиш билан бир вақтда ҳар томонлама тарбия ишини олиб борадилар. Унда муддатидан олдин шартли озод қилиш хусусида илтимоснома тақдим этилгунга қадар уйда яшашга ижозат бериш кўринишида тақдирлашлар ҳам кўзда тутилган. Интизом ва белгиланган тартибни мунтазам бузганлиги учун шартли ҳукм қилинганларни озодликдан маҳрум этиш жойларига юборишдек чоралар ҳам қўлланади. Бу йил шахсий мол-мулкни ўғирлаганлик учун шартли ҳукм қилинган Анвар А. ва давлат мулкини ўғирлаганлик учун шартли ҳукм қилинган Александр Г.га нисбатан ана шундай чора кўрилди.

### БУ ЕР ҚАМОҚХОНА ЭМАС

Махсус комендатура "Шаҳристон" автобус бекати яқинида жойлашган, бу ерда тураржой мажмуи, ариқ устида шинам шийпонча мавжуд, яқиндагина ахлатхона тозаланиб, ўрнида ўйингоҳ ҳам барпо этилди. Бу ер аскарлар қаттиқ туриб қўриқлайдиган зонани эслатмайди.

Шартли ҳукм қилинганлар ишдан сўнг ўзларига овқат тайёрлайдилар, спорт билан шуғулланадилар, дам оладилар. Суд ҳукмида меҳнатга жалб этиш мажбурлиги айтилгани учун махсус комендатуранинг раҳбарияти уларнинг ҳар бирига иш топиб беради. Улар Тошкентдаги республика руҳий касалликлар шифохонаси ва "Кирпичник" кооперативида меҳнат қиладилар.

Белгиланган тартибни, меҳнат интизомини бузмаган, махсус комендатуранинг жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётган шартли ҳукм қилинганлар туман ИИБ бошлиғининг ижозати билан ўз уйларида яшайдилар ва ҳар ўн кунда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қайд этиладилар.

— Бундай шартли ҳукм этилганлар 14 киши, — деб ўз сўзида давом этади Баҳодир Кўчқорович. — Давлат мол-мулкини ўғирлаганлик учун ҳукм қилинган Николай И. ўзини намунали тутмоқда. У икки фарзанднинг отаси, оилапарвар. Қилган ишидан пушаймон бўлгани учун биз унга ёрдам беряпмиз.

### "ҚАНДАЙ ВАЗМИН ОДАМЛАР!"

Бу ерда яқинда бўлган комиссия аъзоларидан бири ана шундай деб хитоб қилибди.



— Бундай осойишталикка эришиш қанчалик оғир бўлганлиги фақат ўзимизга аён, — деб кулимсирашади махсус қисмни рўйхатга олиш бўйича нозир, милиция катта лейтенанти Татьяна Викторовна Янева ва ишга жойлаштириш бўйича катта нозир, милиция капитани Светлана Ивановна Лим. Махсус комендатуранинг шахсий таркибида фақат иккитагина аёл бор, улар эркаклар билан баробар, ишда камчиликларга йўл қўймаган ҳолда хизмат қилмоқдалар. Отряд бошлиғи, айни вақтда махсус комендатура бошлиғининг ўринбосари милиция капитани Иброҳим Чўлпонович Низомов, отряд бошлиғи милиция майори Дилшод Халилович Раҳимов ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар. Бу ерда Юнусобод тумани ИИБ бошлиғи милиция полковниги Муҳиддин Тўлаганович Ўтбосаровнинг, ИИВ бешинчи бошқармаси раҳбарияти, прокуратуранинг доимий ғамхўрлиги ҳис этилмоқда.

Шартли ҳукм қилинган кишилар учун отряд кенгашларида маданий-оммавий, спорт, меҳнат бўйича, жамоат тартибини сақлашга кўмаклашиш, тарбия ва қайта тарбиялаш бўйича секциялар ташкил этилган. Уйида яшаётганлар ҳам махсус комендатуранинг жамоат ҳаётида фаол қатнашадилар.

Шартли ҳукм қилинганларнинг намунали хулқ-атвори, меҳнатда фаол иштироки раҳбарликнинг эътиборидан четда қолмайди. Наврўз байрами кунларида шаҳар прокуратураси ходими, махсус комендатуралар ишига масъул Нодир Нажимов, шартли ҳукм қилинганларнинг иш жойларидаги хўжалик органлари вакиллари бу ерга меҳмон бўлиб келишди. Юнусобод тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Эркин Тўқсариев йиғилганларни жиззахлик Қиличбой Болтамашев ва тошкентлик Маҳмуд Абдуллаевнинг муддатдан олдин шартли озод қилиниши хусусида хабардор қилди.

Такроран қилинган жиноятларнинг йўқлигини махсус комендатура ишидаги энг мақтовга сазовор кўрсаткич дейиш мумкин.

— 1991 йили биттагина такрорий жиноят юз берди, — дейди бошлиқ, — кўз тегмасин, кейин қайтарилмади. — Бизда муддатини ўтаётганларнинг аксарияти ёшлар, ўртача ёши 23да. Улар билан ишлашда ота-оналарнинг ёрдамига таянмоқдамиз. Шартли ҳукм қилинганларнинг ота ва оналари тарбия ишини олиб боришда бизга жон-дилдан ёрдам бермоқдалар. Зеро,охир-оқибатда ҳаммамиз — ота-оналар ҳам, махсус комендатура ходимлари ҳам, шартли хукм қилинганнинг ўзи ҳам тўғри йўлдан тойган йигитнинг озод этилишидан манфаатдор. Асосий вазифа — унинг жиноий йўлга кириб кетишига йўл қўймаслик. Ҳаммамиз ана шу мақсадга хизмат қилмоқдамиз.

### МАХСУС КОМЕНДАТУРАНИНГ КУН ТАРТИБИ

Махсус комендатуранинг ётоқхонаси шаҳардаги юзлаб ётоқхоналардан деярли фарқ қилмайди. Фақат лампочкалар хоналар ичидан эмас, ташқаридан ёқилади, эшикларга ойнаванд кичик дарчалар ўрнатилган. Хоналар шинам, саранжом-саришта, бу ерда турувчиларнинг ўзлари тозаликни кузатиб борадилар. Шартли ҳукм қилинганлар ишдан бўш вақтларида китоб, газеталар ўқийдилар, телевизор томоша қиладилар, ошхонада овқат тайёрлайдилар.

Роса соат 6 да эрталабки йўқлама ўтказилади. Бу ерда ана шундай тартиб белгиланган. Иш тугагач, дам олиш соат 21 дан кечки йўқлама бошланади. 22 да уйқуга ётилади. Меҳнатга мажбуран хукм қилинган бу кишиларнинг иши енгил эмас, шу сабабли тўлақонли дам олиш лозим бўлади. Бу ер қанчалик шинам бўлмасин, барибир кишининг ўз уйи бўла олмайди. Тартибга амал қилиш керак.

**С.МИЛУШЕВ.**

**Суратларда:** махсус комендатура бошлиғи Баҳодир Исҳоқов (ўртада), отряд бошлиғи, айни вақтда махсус комендатура бошлиғининг ўринбосари Иброҳим Низомов ва катта тезкор вакил милиция капитани Ботир Эрназаров (ўнгда) иш режасини тузишмоқда; рухсатномага белги қўйилди, ишга бориш мумкин. Бугун милиция лейтенанти Бахтиёр Тешабоев навбатчилик қилмоқда; отряд бошлиғи, милиция майори Дилшод Раҳимов шартли ҳукм қилинганлар билан; ишдан бўш пайтларда.

**Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар .**



# ҲУШЁРЛИК — КАСБ ТАҚОЗОСИ

**Ички ишлар идораларининг кўплаб милиция участка вакиллари республика давра суҳбати иштирокчиларининг ўз касбдошларига қилган Мурожаатига жавобан ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиларга қарши кураш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИБ участка вакиллари хонадонларга ўғрилар тушишининг олдини олиш ва уларни очиш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бўлим раҳбарияти иложи борича энг кўп салмоқли натижага эришишга интилаётганини таъкидлаш жоиздир.**

Шу мақсадда туман участкаларининг чизмалари тайёрланди, уларда кўп қаватли уйлар қаерда жойлашгани кўрсатилган.

1992 ва 1993 йилларда содир этилган хонадон ўғирликлари уларда рангли қаламлар билан белгиланган. Қизил нуқталар кўп бўлган жой хонадонларга кундузи, оч ҳаворанг нуқталар эса тунда ўғри тушиши эҳтимоли борлигини билдиради. Патруллар маршрути ва паспортлар ана шундан келиб чиқиб ташкил этилади.

Участка вакиллари милициянинг бошқа хизматлари ходимлари билан ҳамкорликда янада собитқадамроқ ва самаралироқ ишлай бошладилар. Чунончи, катта участка вакили, милиция майори С. Поляков, милиция майори И. Сисуев, катта лейтенантлар — А. Нурманов ва Ҳ. Ҳамзаев қисқа вақт ичида бир неча ўғирлик қилинган Дўстлик мавзесида тунда патруллик қилувчи гуруҳга бириктилган эди. Милиция ходимлари ўғирликка тушиш эҳтимоли бўлган уйларни тун бўйи назардан қочирмадилар.

Эрталаб соат 5 ларда қўлида катта чамадон кўтарган эркакни пайқаб қолишди. "Эҳтимол, самолётга шошилаётгандир" — дастлаб шундай фикрга келишди офицерлар. Лекин нотаниш кишидан ҳужжатини кўрсатишни талаб қилишганда, унинг ҳеч қаерга учмаслиги равшан бўлиб қолди. Чамадонда эса уй йўлакларидан суғуриб олинган электр ҳисоблагичлар бор экан.

Сирғали-8 мавзеининг участка вакили милиция лейтенанти Ибодулла Нодиров эса кундузи ҳушёрлик намунасини кўрсатди. Муниципал ротанинг икки милиционери билан патруллик қилиб юриб, нотаниш йигитга эътибор берди. Нега айни ундан шубҳаланганини участка вакилининг ўзи ҳам тушунтириб беролмади. Эҳтимол, касбга доир сезгиси шуни тақозо қилгандир. Туман ИИБга келтирилган Равшан Н. дан наша ва ўғирланган буюмлар топилди. Кейинроқ унинг 9 маротаба хонадонларга ўғирликка тушгани ҳам аниқланди.

**А. БРАЙЛОВСКИЙ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ПХБ катта инспектори, милиция майори.**

# МИННАТДОРЧИЛИК МИННАТДАН ЭМАС

*Республикамизда жиноятчиликка қарши кескин кураш авж олгани ҳаммага маълум. Бунинг ижобий натижалари кўзга ташланмоқда. Кўрсаткичлар, рақамлар ва таҳлилларда бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Яна бир нарса борки, уни бузиб ҳам, ўзгартириб ҳам, нотўғри таҳлил қилиб ҳам бўлмайди. Бу омманинг фикридир. Кўпчиликнинг фикри ҳар доим бир жойдан, бунинг устига ҳақ жойдан чиқади.*

**“Биз Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг Қадамжой тумани аҳолиси, хусусан К. Акимбаеванинг қариндошлари, шунингдек инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туман қўмитаси ўзбек милицияси ходимларига чин юракдан миннатдорчилигимизни билдирамиз.**

**К. Акимбаева 1985 йилдан буён бедарак йўқолган деб ҳисобланарди. Ўша вақтдан буён у қариндошлари томонидан қидирилаётган, аммо бирор натижа йўқ эди.**

**1993 йилда Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимлари, милиция капитанлари С. Муваров ва Б. Турғуновларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли у топилди ва оиласига қайтарилди.**

**Шу сабабли Ўзбекистон ички ишлар идоралари ходимларига ўзимизнинг сидқидилдан миннатдорчилигимизни билдирамиз.**

**К. АЛИЕВА,**
**Қадамжой тумани инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси.**
**Т. МАМАДАНОВ, Э. АКИМБАЕВ,**
**М. АКИМБАЕВ, Ф. СОБИРЖОНОВ,**
**К. Акимбаеванинг қариндошлари“.**

Биласиз, қилинган жиноятлару, уларнинг очилгани хусусида кўп ёздик. Бу ишларни амалга ошираётганларни ҳам (ўғриларни ҳам, ҳуқуқ ҳимоячиларини ҳам) камситмаганимиздан хабарингиз бор. Тўғри, жиноятчиларнинг айримларининг исмини баъзи пайтларда яширганимизни тан оламиз. Аммо бу ўгай кўз билан қаралганидан эмас. Кўп материаллар тергов давом этаётганида берилгани учун шундай бўлган эди. Тергов сири сирда. Қолаверса, улар ҳам бундан хафа бўлишмагандир.

Бироқ тузукроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, яна бир— учинчи томон ҳақида ҳеч нарса дейилмапти. Уларни қонун тилида "жабрланувчилар" дейишади. Умуман, улар ҳақида лом-мим дейилмаган, дейилса, ноўрин бўлар, каби истихолага бориб, иложи борича уларни кам безовта қилишга уриндик. Чунки ўзгача бўлганда нокамтарлик, қолаверса миннат бўлиб кетармиди...

Ниҳоят "жабрланувчилар"нинг ўзлари бу номутаносибликни бузишга жазм қилишибди, чамаси. Таҳририятга улардан шикоятдан мутлақо фарқли мактублар кела бошлади.

Биласизки, пешона тери билан топилган ҳар қандай бойлик ниҳоятда азиз бўлади. Умуман бойлик, мол-мулк ва ҳатто пулнинг ўзини ҳам пул билан ўлчаниши бирмунча тўғри эмас. Уларни мана шу нарсаларни топиш учун кетган вақт, заҳмат билан ўлчаш тўғри, одамлар шундай қилади ҳам. Кимдир миллион-миллион сўмлик уловни ўғирлатиб юборадию, нафасини чиқармай юраверади, қачон товон талаб қилиб келишаркин деб. Кимдир эса бир ғунажинини йўқотиб, кечалари ухлолмай қолади...

Барибир нисбийлик масаласи мураккаб масала. Юқорида зикр этиб ўтилган хатларни ўқиб шундай уйга борасан, киши.

"Яқинда Қўқон шаҳридаги "Гўзал" универмаги олдидаги павильонда Анзиратой Ўтанова деган пенсионер хотиннинг қизил гулли хитойи жемперини икки йигит ўғирлаб қўйишди.", деб ёзади Анзират холанинг турмуш ўртоғи Ўктамжон ака. Шунда Ўктамжон ака шаҳар ИИБ ЖҚБ бошлиғи М. Тожибоевга мурожаат қилади. У кищи эса бу ишни ишчан, Анваржон Аъзамовга топширади. У икки кунда иккита Раҳмон исмли (дарвоқе биттасининг олдида, "Абду"си ҳам бор) йигитни тутиб келади. Улар қилган ишларини бўйнига олишади.

Ўктамжон ака Ўтанов хатининг сўнгида милиция ходимлари А. Аъзамов ва М. Тожиевлардан миннатдор эканини ёзган...

Кейинги пайтларда биз ўғрликлар хусусида кўп ёзаяпмиз. Ўзиям жиноятнинг бу тури кўп урчиди-да. Аслида қорамол ўғирлиги жиноятчиларнинг дангаса ва ишёқмас табақаларининг иши. Хомхаёллари шу йўл осон, деб ўйлашади, қолаверса улар ҳам "ўғри" ҳикоясини ўқиб катта бўлмаганми, барибир топишолмайди деб ўйлашади. Аммо замонлар ўзгарган...

Шундай қилиб Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани Ғамхўр қишлоғидан иккита хат олдик. Улардан бирида ёзилишича, шу қишлоқлик Рустам Очиловнинг "биринчи туғиш арафасида турган сигирчаси" йўқолиб қолган. Эртаси куни эрталаб Р. Очилов туман ИИБ терговчиси, милиция катта лейтенанти Р. Рўзиевга мурожаат қилган. Орадан бир ҳафта ўтиб, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари Нажимов, ЖҚБ тезкор вакиллари милиция капитани Ҳ. Қаршиев ва милиция катта лейтенанти Ж. Аслоновлар "сигирча"ни топиб беришади.

Бундан Рустам қанчалар қувонганини хат шундайгина айтиб турибди. Ахир сал қолган эди-да беш нафар фарзандининг сут-қатиқдан бебаҳра қолишларига...

Рустам севинганидан, "ўғрининг қилмишини унутиб", ИИБ ходимларига миннатдорчилик билдирибди.

Шу қишлоқлик Савриддин Рўзиевнинг ҳам бешта қўйини ўғирлаб кетишган экан. Қизилтепа тумани ИИБдаги азаматлар бу қўйларни ҳам топиб беришибди. Савриддин юқорида номлари зикр қилинган йигитлар ва милиция катта лейтенанти Абдурайи Турдиев, милиция катта сержанти Рустам Равшановга раҳматини етказишимизни илтимос қилган.

Гап мол ўғирлигига тақалган экан, бу "соҳа"нинг бир қадар "жонланиб" қолганини эслаб ўтиш лозим. Бу борадаги жабрланувчилар бошқаларга нисбатан кўпроқ азият чекишса керак, чунки мол-ҳол муҳташамлик белгиси эмас-да. Шунинг учун бўлса керак молини йўқотиб-топганлардан миннатдорчилик хатлари ҳам келиб турибди.

Чиноз тумани "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Узоқбой ака Айтқуловнинг саккиз нафар фарзанди бор. Бир кун "бисотидаги бир бош қорамолни" кимлардир ўғирлаб кетганини билиб қолди ва участка вакили, милиция лейтенанти Муҳиддин Шодмоновга хабар беради. Участка вакили қисқа вақт ичида мол ва ўғриларни топган.

Шу туманнинг Янгиобод давлат хўжалигида истиқомат қилувчи А. Норқўзиевнинг ташвиши бирмунча каттароқ экан: уч бош буқасини ўғирлаб кетишган. Ўғри анча тажрибали эканми, ишқилиб бу буқалар билан бирга укасининг иккита сигирини ҳам етаклаб кетипти. Милициянинг аралашуви билан моллар топилиб, ўғри ушланди.

Бундан ўғрилар фақат қорамол ўғирлаб юрган экан-да, деган ўйга бормаслик керак. Асло. Улар ҳам тараққиётдан орқада қолишгани йўқ. Буни қўлимиздаги телевизор ва видеомагнитофонини ўғирлатганлардан келган хатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Қўқон шаҳрилик нафақадор Нишон Муҳаммадиевнинг биттаю-битта телевизорини куппа-кундуз ўғирлаб кетишади". Жиноят-қидирув ходимлари А. Муращев, З. Мирзақулов, терговчи А. Эсоновларнинг аралашуви билан уч кун ичида ўғри ҳам, "Горизонт-204" белгили телевизор ҳам топилади.

Энди отахоннинг қанчалик мамнуният билан хат битганини айтиб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида истиқомат қилувчи Саодат Ниёзмуратованинг бундан бир йил бурун видеомагнитофони ва магнитофонини ўғирлаб кетишган экан. Яқинда ўғрилар ушланиб, буюмлар эгасига қайтарилибди. Шу муносабат билан у киши туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги А. Исмоилов, милиция майори Ю. Қаландаров, катта оператив вакил, милиция капитани М. Алимов ва участка вакили, милиция капитани А. Мелеевларга газета орқали ташаккур билдиришимизни айтган. Мана, биз ҳам айтилган гапни қилаяпмиз...

Шундай қилиб, миннатдорчилик хатлари кўп. Биз ҳам улар ҳақида юқоридагиларни ёзиб, ўз вазифамизни бир қадар бажардик.

**Исмоил Шоҳ МУРОД.**

# ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ХИЗМАТИНИНГ ВАЗИФА ВА МУАММОЛАРИ

**Мухбиримиз Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги В. Осипов билан учрашиб, ундан бир қатор саволларга жавоб беришни илтимос қилди.**

**— Виктор Евгеньевич, республикамиз шаҳар ва қасабалари кўчаларида содир этилаётган жиноятларнинг камайиши милиция патруль-пост хизматининг ҳолатига тўғридан-тўғри боғлиқ десак тўғри бўлармикин?**

— Бундай боғлиқлик, шуҳбасиз, бор, лекин ҳамма нарса ана шу ҳол билангина чекланади дейиш унчалик адолатдан бўлмайди. Кўчалардаги жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг камайишига бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Республикада "Тун", "Тўр", "Комплекс" ва бошқа шартли номлар билан ўтказилган, бир мақсадга қаратилган йирик миқёсли тезкор-профилактик тадбирларнинг бутун бир мажмуини тилга олиш кифоя қилса керак.

Ҳозир 80 та ички ишлар бўлимида милиция патруль-пост хизматининг махсус бўлинмалари мавжуд. Уларнинг фаолияти ана шу кўпдан-кўп материалларни кўриб чиқишга мажбур бўладилар. Бу нарса уларни жиноятчиларга қарши курашни ташкил этиш бўйича бундан ҳам муҳимроқ вазифаларни бажаришдан чалғитмаяптимикин?

— Шубҳасиз, бу ҳол ички ишлар идораларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари амалга ошираётган ташкилотчилик ҳамда бошқарув ва тезкор-қидирув ишларининг сифатида ўз ифодасини топмоқда. Ўтган йили, масалан, майда безорилик ҳатти-ҳаракатлари учунгина ички ишлар идораларига чора кўриш учун 63 мингдан зиёд киши келтирилган. Фақат Фарғона вилоятининг ўзида 1992 йилда туман ва шаҳар бўлимлари раҳбарлари томонидан ҳуқуқ-тартибот бузилишларига доир 30 мингдан ортиқ иш қараб чиқилган.

Туман-шаҳар идоралари тармоқ такомиллаштирилмоқда. Эндиликда уларда хизмат қилиш милиция участка вакиллари ишига монанд ҳолда амалга оширилаётганидан хабарингиз бўлса керак? Ана шу мақсадда Жиззах, Гулистон, Андижон ва Навоийда ўтказилган тажриба шундай қилинганда самара анча юқори бўлишини кўрсатди.

Ҳукумат амалга ошираётган тадбирлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ҳайъатининг "Республика шаҳарлари ва истиқоматгоҳларида жамоат тартибини сақлашни таъминлаш борасида ИИВнинг фаолияти тўғрисида"ги қарорини бажариш борасида олиб бораётган ишлар катта самара келтираётгани ҳақида ҳам гапирмасдан бўлмайди.

**— Патруль-пост хизматининг милиционери зиммасида бугунги кунда қандай юмушлар бор?**

— Ҳозир бу борадаги ишларимиз ғоятда кўпайиб кетган. Патрулдаги битта милиционерга ўртача 9 минг киши тўғри келади, айрим минтақаларда эса бу кўрсаткич 10-20 минг кишини ташкил этади, ҳолбуки, мисол учун, Сингапурда икки юздан сал ортиқ, Японияда — 555, АҚШда — 354 кишига битта полициячи тўғри келади. Қисқаси, нисбатан озгина куч ва воситалардан фойдаланиб, милиция олдида турган мураккаб вазифаларни ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Республика ҳукумати кўп ишларни амалга оширмоқда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликларининг маблағлари ҳисобига жами 1,4 минг милиционерни ўз ичига олган қўшимча бўлинмалар тузилди, ўтган йили уларнинг иштирокида 1158 жиноят очиб ташланди, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун 51,3 минг киши ушланди. Бу борада ҳам муаммолар йўқ эмас, албатта. Хўжалик раҳбарларининг кўплари милиция бўлинмаларини таъминлаб туриш учун пул ўтказишдан бўйин товламоқдалар ёки буни аҳён-аҳёнда қилмоқдалар.

Натижада патруль-пост хизматининг кўпгина милиционерлари баъзан бир неча ойлаб иш ҳақи ва формали кийим-кечак олмаяптилар. Уларга маош тўлаш учун маблағ йўқлиги туфайли патруль-пост хизматининг 900 дан ортиқ ходими ишдан бўшатилди.

Кейинги вақтда милиция сарф-харажатларининг бир қисмини маблағ билан таъминлайдиган хўжалик идораларининг мансабдор шахслари томонидан милиция ишини ташкил этишга аралашиш, ходимларимиздан биринчи навбатда тор идоравий вазифаларни ҳал қилишни талаб этишга уринишларнинг кўпайганлиги ҳам ана шу ҳол билан боғлиқ.

**— Патруль-пост хизмати ходимлари, милиция участка вакиллари, йўл-патруль хизмати ходимлари ҳар куни талайгина маъмурий ҳуқуқ бузувчиларга нисбатан чора кўрадилар. Ички ишлар идораларининг раҳбарлари хизматларининг бошлиқларига, эҳтимол милициянинг катта участка вакиллари ва нозирларига ҳам, зарур ҳуқуқий ваколатлар берилиши лозим деб ўйлайман.** Маъмурий судларнинг ташкил этилиши ҳам яхши ёрдам беради. Фақат шундай қилибгина туман-шаҳар ИИБлари раҳбарларининг ишини енгиллаштира оламиз. Алалхусус, текширувнинг кўрсатишича, бир қатор жойларда улар ичкиликбозлик заминидаги жиноятчиликка, шунингдек кўчалар ва бошқа жамоат жойларида содир этилаётган жиноий ҳатти-ҳаракатларга қарши кураш олиб бориш муаммоларига кераклигича ёндаша олмаяптилар. Бунинг учун, албатта, қўшимча куч-ҳаракат ҳамда вақт даркор. Айни вақтда милиция фаолиятининг тезкорлигини оширишга, безорилик тўғрисидаги ҳар бир хабарга янада тезроқ муносабат билдиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

**Жиноий ҳатти-ҳаракатлар содир этилишига ичкиликбозликнинг таъсири қандай?**

— Бу муаммо ғоятда долзарб бўлиб қолмоқда. Бу ҳолнинг кенг ёйилганлиги ҳуқуқ-тартиботни бузишлар даражасига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бир йилда мастлик ҳолатида тахминан олти мингта жиноят содир этилади. Улар орасида оғирлари ҳам оз эмас. 1992 йилда кўчалар ва жамоат жойларида ўртанча ва ўта даражада мастлик ҳолатида бўлган 145,7 минг кишига чора кўрилди, уларнинг 83 мингдан кўпроғи тиббий муассасаларга юборилди. Ҳокимиятларнинг ижрочи маҳкамаларидаги ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари амалда фаолият кўрсатмаётган ҳозирги пайтда ана шу иллатга барҳам бериш ва унинг олдини олишга доир ишнинг асосий оғирлиги ички ишлар идоралари зиммасига тушмоқда.

**— Суҳбат сўнгида дайдилар хусусида тўхталиб ўтсангиз. Зеро, республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ҳам ушбу муаммо кескин бўлиб турибди. Бошқа жиноий унсурлар сингари дайдилар учун ҳам МДҲ давлатларининг чегаралари очиқлигича қолмоқда.**

— Тўғри айтасиз. Республикамиз ҳудудида ўтган йили яшаш жойининг тайини бўлмаган 14 мингдан ортиқ дайди ушланган. Улардан 1582 нафари турли жиноятлари учун қидирилаётган экан. Бу рақамларнинг ўзиёқ бошқаларнинг камчиликларини тузатишга мажбур бўлаётганимиздан яққол далолат беради, зеро ана шу дайдиларнинг жуда оз қисмигина илгари Ўзбекистонда истиқомат қилган. Улар, асосан, бошқа давлатларнинг ғоятда рамзий бўлган милиция "тўр"ларидан ўтиб келган келгинди шахслардан иборат. Ҳозирги пайтда уларнинг республика ҳудудига кириб келишининг олдини олиш бўйича қўшимча чоралар кўрилмоқда. Ана шу мақсадда 20 апрелдан 20 майга қадар махсус тўсиш-олдини олиш тадбирлари ўтказилмоқда.

**Суҳбатдош: К. СОБИРОВ.**

